ISSN: 2181-3035
№ 4 30.05.2022






Mirzo Ulug'bek (1394-1449)

# TALQIN VA TADQIQOTLAR

## respublika ilmiy-uslubiy jurnali

- Aniq fanlar
- Tabiiy fanlar
- Tibbiyot fanlari
- Texnika fanlari
- Iqtisod fanlari
- Filologiya fanlari
- Pedagogika fanlari
- Ijtimoiy-gumanitar fanlar
- Psixologiya fanlari
- San'at va madaniyat fanlari
- Jismoniy tarbiya va sport

talqin@bk.ru
+99891-152-93-14
www.talqinva tadqiqotlar.uz
@TALQINVATADQIQOTLAR

**Talqin va tadqiqotlar**

**ilmiy-uslubiy jurnal**

**scientific-methodical journal**

**научно-методический журнал**

**Bosh muharrir:**
**I.I.Abdumannonov**

**Mas'ul muharrir:**
**O.S.Isroilov**

**Jurnal bir oyda ikki marta chop etiladi.**

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiya agentligida 2022- yil 12 - fevralda 1540 raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**ISSN 2181 - 3035**

**Jurnaldan maqola ko'chirib bosilganda, manba ko'rsatilishi shart.**

**Tel: +99891-152-93-14**
**E pochta: talqin@bk.ru**
**Сайт: www.talqinvatadqiqotlar.uz**

## Tahrir kengashi:

**Qo'ldashev Sherali Temiraliyevich**
*O'z FA Sharqshunoslik instituti*
*tarix fanlari nomzodi, dotsent*
**Bazarov Odiljon**
*Filologiya fanlari doktori*
*Qo'qon davlat pedagogika instituti*
**Abdukarimov Jamoliddin Ahmadaliyevich**
*Xo'jand davlat universiteti dotsenti (Tojikiston)*
**Masharipova Gularam Kamilovna**
Falsafa fanlari doktori, professor
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti
**Qozoqov Tohirjon Qodiraliyevich**
*Namangan davlat universiteti*
*tarix fanlari nomzodi, dotsent*
**Abdullayev Ravshanjon Inomjon o'g'li**
*O'z FA Tarix instituti*
**Tojiyeva Gulnora Akramxonovna**
*Xalq ta'limi a'lochisi*
**Abdullayeva Maftunaxon Umidjon qizi**
*Qo'qon davlat pedagogika instituti*
**Raximova Zuxraxon Maxmudovna**
*O'zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti*
**Akbarov Qobuljon Yakubovich**
*Qo'qon davlat pedagogika instituti, tarix fanlari nomzodi*
**G'ofurovTo'lqinjon Zafarjon o'g'li**
*Qo'qon davlat pedagogika instituti, matematika fani o'qituvchisi*
**Baymenova Kamshat Saparbayevna**
*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti*
**Bazarov Otabek Odilovich**
*Qo'qon davlat pedagogika instituti, PhD*
**G'ulomova Nargiza Sa'dullayevna**
*Navoiy VXTXQTMOHM Tillarni o'qitish metodikasi katta o'qituvchisi*
**Rahimova Maftuna Odilovna**
*Qo'qon davlat pedagogika instituti, PhD*
**Mirzaahmedova Kamola Toxirovna**
*Toshkent pediatriya tibbiyot instituti farmakologiya, fiziologiya kafedrasi dotsenti*

**MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ**


| | | |
|---|---|---|
| 1. | TRADE RELATIONS BETWEEN KOKAND KHANATE AND EASTERN TURKEY<br>Q.Akbarov | 4 |
| 2. | MAHALLIY DAVLAT HOKIMIYATI ORGANLARI NORMATIV HUQUQIY HUJJATLARINI EKSPERTIZADAN O’TKAZISH MASALALARI<br>Aliqulov Komiljon Urol o’gli | 9 |
| 3. | G’afforova Shahribonu<br>BOLANING TA’LIM-TARBIYASIDA OTA-ONALARNING ROLI VA AHAMIYATI | 16 |
| 4. | Ismoilova R.R<br>Omonov M<br>LINUM USITATISSIMUMUM L. NING BIEKOLOGIK XUSUSIYATLARI | 19 |
| 5. | Mamasahatova Sharafat Urol qizi<br>BOSHLANG’ICH SINF O’QUVCHILARINI ANVAR OBIDJON SHE’RLARINI TAHLIL QILISH ORQALI MUSTAQIL FIKRLASHGA O’RGATISH | 22 |
| 6. | NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLARNI TAYYORLASHDA JAMOATCHILIK ISHTIROKINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI<br>Abduraxmonov G‘anisher Shavkat o‘g‘li | 26 |
| 7. | TA’LIM JARAYONIDA INTERFAOL METODLARNING AHAMIYATI<br>Madiyorova Shohista Sabirjonovna<br>Otamuratova Intizor Komilovna | 37 |
| 8. | THE USAGE OF STORYTELLING IN PRIMARY CLASSES TO IMPROVE COMMUNICATIVE COMPETENCE<br>Naimova Dildora Kahramonovna<br>Nurullayeva Feruza Alisher qizi | 40 |
| 9. | СЕМАНТИК АННОТАЦИЯ ВА СЕМАНТИК КЕНГАЙТМА ТУШУНЧАЛАРИ<br>Ахмедова Дилдора Баҳодировна | 43 |
| 10. | XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ҚОЗИХОНА ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ<br>Зафар Маҳмудов | 47 |
| 11. | XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ХИВА ХОНЛИГИДА ДИПЛОМАТИК ЭТИКЕТ ВА МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ АСОСИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ<br>Зафар Маҳмудов | 51 |
| 12. | ИЗУЧЕНИЕ ОБУЧЕНИЯ ЧТЕНИЮ УЧАЩИХСЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ<br>Хасанова Хилола Муталибжановна | 55 |
| 13. | ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБ ВА ЯНГИЧА ЁНДОШУВЛАР<br>Саъдуллаева Фазилат Ражаббоевна | 58 |
| 14. | MENEJMENT TA'LIMI TARIXI<br>Hakimov T. | 63 |
| 15. | ТАРМОҚ ТРАФИГИДАГИ ИНТСИДЕНТЛАРНИ ХОЛТ ВИНТЕРС УСУЛИДА АНИҚЛАШ<br>Носиров Аъзам Тохир ўғли | 67 |
| 16. | ИЗУЧЕНИЕ ПРОЦЕССА КРИСТАЛЛИЗАЦИИ МОНОКАЛЬЦИЙФОСФАТА И КРАТНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАТОЧНОГО РАСТВОРА<br>Меликулова Г.Э, Мирзакулов Х.Ч.<br>Шаймарданова М.А, Тожиев Р.Р, Сейтназаров А.Р. | 71 |

# СЕМАНТИК АННОТАЦИЯ ВА СЕМАНТИК КЕНГАЙТМА ТУШУНЧАЛАРИ

**Ахмедова Дилдора Баҳодировна**
БухДУ докторанти (DSc), ф.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация:** Ушбу мақолада корпус лингвистикасининг асосий тушунчаларидан бўлган семантик аннотация ва семантик кенгайтма атамаларига изоҳ берилган. Семантиклик белгиси жуда кўп ҳодисаларга хос бўлиб, уларни алоҳида тадқиқ этиш масаласи атролича таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** лингвистик корпус, аннотация, семантика, семантик кенгайтма, сема, семема, семантема, семантизация, семантиклик.

Лингвистик корпусларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маълум бир бирлик ҳақида (корпус имкониятидан келиб чиққан ҳолда) турли хилдаги ахборот/маълумотни олиш имконияти мавжуд. Чуқур аннотацияланган корпусларда исталган сўз танланса, бу сўз ҳақида фонетик, морфологик, лексик, грамматик ва б. маълумотларни олиш имкони пайдо бўлади. Бундай маълумотлар сирасида семантик маълумотлар алоҳида ўрин тутади. Корпус таркибидаги сўзнинг семантик маълумот берувчи қисми учун семантик кенгайтма атамасини таклиф этамиз ва бундан кейин шу атамани қўллаймиз. Ушбу атамани таклиф қилиш ва асослашдан олдин семантик изоҳ сўзи билан боғлиқ атамаларни изоҳлаймиз.

СЕМАНТИКА (инг. semantics, фр. sémantique, нем. semantik, исп. cemantica). 1. Сўз нутқ обороти ёки грамматик шаклнинг маъноси. Грамматик шаклнинг семантикаси. [1]

Айн. Семасиология.

Тил бирликларининг улар белгилаган объектлар, жараёнлар ва бошқаларга муносабатини ажратиб кўрсатиш, тилни ўрганишнинг аспект ёки жиҳатларидан бири; қиёсланг. прагматика, синтактика. [1]

СЕМАНТИКА умумий инглиз тили, умумий семантика.

1) табиий тилларнинг замонавий алоқа эҳтиёжларини қондириш учун яроқсизлигини (уларнинг «мантиқсизлиги» ва ўзига хос «сўзларнинг фетишизми» туфайли) таъкидлайдиган ва уларни тил билан алмаштириш йўлларини қидирадиган умумий тилшуносликдаги замонавий тенденция, рационал мантиқий «тиллар»;

2) тилшуносликнинг тил бирликларининг ички (семантик) томони тузилишининг асосий қонуниятларини ўрганувчи бўлими. Функционал семантика. [1]

СЕМА (ингл. seme, фр. sème) 1. (семантик омил). Семеманинг варианти (алтернативи). 2. Синтагматик қатордаги ифода планининг мос бирликлари (элементлари) билан боғланиши мумкин бўлган энг кичик (якуний) бирлиги. [1]

«Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да А.Ҳожиев «сема» атамасини қуйидагича таърифлайди:

СЕМА (юн. sema – белги). Лексик маъно (семема)ни ташкил топтирувчи компонент (қисм)лар. Мас., атроф лексемасининг маъноси (семемаси) «ҳамма» ва «томон» семаларидан иборат. Маълум лексик-семантик гуруҳга оид семемалардаги семалар шу семемалар учун умумий ёки хусусий эканига кўра икки асосий турга бўлинади: 1) умумий сема (қ.); 2) фарқловчи сема (қ.). [2; 287]

Шунингдек, «семема» атамаси лексик маъно атамаси билан айнан эканлиги кўрсатилади:

СЕМЕМА – айн. Лексик маъно.

Шунингдек, «Тилшунослик терминлари изоҳли луғати»да «семантема» атамаси эътиборимизни тортди:

СЕМАНТЕМА – айн. Лексик маъно. [2; 291]

Демак, А.Ҳожиевнинг фикрига кўра, семема ва семантема атамалари айнан лексик маънони ифодалаб келади.

Ахманованинг луғатида эса семантема атамаси кенгроқ тавсифланади:

СЕМАНТЕМА (ингл. sémantème, фр. sémantème, нем. Semantem, Bedeutungselement, исп. Semantema) 1. Семема билан айнан. Сўзнинг морфемадан фарқли ўлароқ, моддий қисми, унинг лексик, моддий маъносини ташувчи қисми. Бу шаклда фақат «формал» (яъни грамматик) маънога эга бўлиши мумкин. 2. Асос билан айн. (СЕМАНТЕМА англ. sémantème, фр. sémantème, нем. Semantem, Bedeutungselement, исп. semantema. 1. То же, что семема. Вещественная часть слова, та его часть, которая несет его лексическое, материальное значение, в отличие от «морфемы», которая, при таком понимании, может иметь только «формальное» (т.е. грамматическое) значение. То же, что основа). [1]

Ушбу таърифдан ҳам англашиладики, семантема лексик маъно ташувчи моддий бирлик.

Шулар қаторида семантик кенгайтмани шакллантиришда семантизация, лексик-семантик категория каби атамаларнинг изоҳига ҳам эҳтиёж туғилади.

СЕМАНТИЗАЦИЯ (ингл. Semantization). Тушуниш, маънони очиш (кашф этиш), маъно. Осмысление, обнаружение смысла, значения.

Лексик-семантик категория атамасига фақат ҳавола берилган, холос:

СЕМАНТИКО-ЛЕКСИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ см. категория семанти-ко-лексическая.

Шу сабабли ҳавола берилган жойга эътибор қаратамиз:

ЛЕКСИК-СЕМАНТИК КАТЕГОРИЯ (англ. semantical-lexical category) Сўзларнинг луғат бирликлари сифатида семантик синфларга бирлаштириладиган семантик хусусиятлари тўплами (КАТЕГОРИЯ СЕМАНТИКО-ЛЕКСИЧЕСКАЯ англ. semantical-lexical category. Совокупность семантических признаков слов как единиц словарного состава, на основании которых они объединяются в семантические классы).

Диққат қаратишимиз лозим бўлган яна бир атама белги билдирувчи, сифат туркумига мансуб бўлган «семантик» атамасидир. Биз ҳам шу таъриф асосида семантик белгиси нималарга нисбатан қўлланишини билишимиз мақсадга мувофиқ.

СЕМАНТИК (ингл. semantic, фр. sémantique, нем. semantisch, исп. semantico). Семантика атамасига илова. Семантик таҳлил. Семантик ўзгариш. Семантик классификация. Семантик контекст. Феълларнинг семантик разряди. Сўзларнинг семантик разряди (гуруҳи). Сўзларнинг семантик алоқаси. Семантик силжиш. Семантик система. Семантик фактор. Семантик ядро. Сўзнинг семантик варианти. Семантик гуруҳ. Семантик диапазон. Семантик дифференциаллик. (СЕМАНТИЧЕСКИЙ англ. semantic, фр. sémantique, нем. semantisch, исп. semantico. Прил. к семантика. Семантический анализ. Семантическое изменение. Семантическая классификация. Семантический контекст. Семантический разряд глаголов. Семантический разряд слов. Семантическая связь слов. Семантический сдвиг. Семантическая система. Семантический фактор. Семантическое ядро. Семантические варианты слова см. вариант. Семантическая группа см. группа. Семантический диапазон см. диапазон. Семантический дифференциал англ. semantic differential) [1]

Юқоридаги тавсифдан кўринадики, «семантик» белгиси жуда кўплаб бирликларга нисбатан қўлланиши мумкин. Булар хусусида семантик кенгайтмани таърифлаш ўрнида алоҳида тўхталамиз.

Шунингдек, ушбу атама таърифида семантик муносабат, семантик жуфт, семантик сўз ясалиши, сўзнинг семантик таркиби, семантик даража каби изоҳлар ҳам келтирилади (Семантическое отношение см. отношение. Семантическая пара см. пара семантическая. Семантическое переразложёние. То же, что перенесение (в 1 знач.). Семантическое поле см. поле. Семантическое расширение. То же, что расширение значения. Семантическое словообразование см. словообразование. * Семантический состав слова. То же, что значение. Семантический уровень см. уровень).

Шундан хулоса қилиш мумкинки, семантиклик белгиси жуда кўп ҳодисаларга хос бўлиб, уларни алоҳида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек

тилшунослигида лексик-семантик муносабатлар, сема, семема каби ҳодисалар атрофлича тадқиқ этилган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/_18.htm

2. А.Ҳожиев. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.

3. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

4. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989.